

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №25

Риштон тумани

28 - ИЮН 2022 йил

Амалдаги низомга асосан иш кўрувчи **Риштон тумани Мактабгача таълим булими** бундан буён **Буюртмачи** деб юритилувчи номидан **М.Дадажонов** биринчи томонидан, амалдаги низомга асосан иш кўрувчи **Риштон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси** бундан буён **Пудратчи** деб юритилувчи номидан раҳбар **У.Ақбаров** иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Буюртмачи» нинг топширигига кура «Пудратчи» **Риштон тумани мактабгача таълим булимига тасарруфидаги Фаровонлик МФИда жойлашган 25-сонли мактабгача таълим муассасаси** биноси объектида «Буюртмачи» тақдим этган смета лойиха ҳужжатлари асосида 25-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини олиб боради.

1.2. «Пудратчи» зиммасига уз материалларидан фойдаланиб курилиш ишларини бажарилишини, «Буюртмачи» эса шу ишларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тулаш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси қушимча қиймат солиқларини ҳисобга олган ҳолда 63 123 973 (Олтимиш уч миллион бир юз йигирма уч минг туккиз юз етимиш уч ) сумни ташкил қилади;

## 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома буйича «Буюртмачи 63 123 973 (Олтимиш уч миллион бир юз йигирма уч минг туккиз юз етимиш уч) сум пулни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширади;

3.2. Шартномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичида олдиндан бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида «Пудратчи» ҳисоб рақамига ҳақ утқазиб берилади;

3.3. «Буюртмачи» бажарилган ишларни «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлагандан сунг солиштирма далолатнома ва ҳисоб фактураларга асосан қабул қилиб олади;

3.4. Шартнома буйича охириги ҳисоб китоб иш тулик тамомлангандан сунг ( бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартарафэтишни ҳам қушиб) 15 кундан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тулаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тулаб бериш муддати 6 (олти) ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган ишлар пудрат иши якунини махсус комиссия (Давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади;

4.2. Мазкур шартнома икки томонлама тасдиқлангандан сунг кучга қиради ва шартнома 28 - ИЮН 2022 йилдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1. «Пудратчи»:

5.1.1. Уз қучи ва воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тула ҳажмда ва муддатда бажарилиши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «Буюртмачи» га топшириши;

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етқазиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, таҳлил ҳамда сақлашни амалга ошириш;

5.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларни тузгани тугрисида «Буюртмачи» га ахборот бериши ва у томонидан ишларнинг бажарилиш юзасидан назоратни таъминлаши;

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни куриклаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши

## 5.2. «Буюртмачи»:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажма ва муддатда объектни «Пудратчи» га топшириши;

5.2.2. Ушбу шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларга, шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи» га ҳақ тулаши;

5.2.3. «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб икки ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Буюртмачи» бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тулаб бермаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилган ишнинг 0,4% миқдорида пеня тулайди.

6.2. «Пудратчи» шартнома шартларини бузса, белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун қўзда тутилган ишнинг 0,5 % миқдорида пеня тулайди;

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо булган ва уларни олдиндан қура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган ва ҳолатлар, бунга қушиб уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги, фуқаролик тартибсизлиги, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офат билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди;

7.2. Бартараф қилиб булмайдиган қўчларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи булиб ҳисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятини бажаришга, унинг таъсир қўрсатиши ёки монетарлик қилиши тўғрисида бошқа тарафа имкон қадар тезда хабар бериши лозим;

7.4. Агар бартараф қилиб булмайдиган қўчлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган булсада тўғаш белгилари аниқланмаса, «Буюртмачи» «Пудратчи» бошқа тарафга хабар бериш йўли билан ушбу шартномани бекор қилишлари мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ пайдо буладиган барча низолар ёки қелишмовчиликлар тарафлар уртасида музоқара йўли билан хал қилинади;

8.2. Агар қелишмовчиликларни музоқара йўли билан хал қилиб булмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалиқ судида қўрилишга тегишли булади.

## 9. ШАРТНОМАГА ҚУШИМЧА ВА УЗГАРТИРИШЛАР ҚИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қиритилган қўшимча ва узгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий қўчга эга булади;

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг қелишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик Кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосдор буйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин;

9.3. «Буюртмачи» қўидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- «Пудратчи» нинг айби билан ишларнинг боришини сузтақшлик билан тўхтатиб қўрилиши, яъни Ушбу шартномадаги ишларнинг тамом булиш муддати бир ойдан қўчга ошиб қетганда;
- «Пудратчи» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида қўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. «Пудратчи» қўидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлиқ булмаган сабаблар буйича қўрилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошмаган муддатга тўхтатиб қўрилганда;
- «Буюртмачи» томонидан лўйиха ҳужжатларига узгартиришлар қиритиши билан боғлиқ ҳолда ишларнинг баҳоси 20%идан қўчга қамайганда;
- «Буюртмачи» томонидан қўйинчалиқ қўрилишни молиялаш имқонияти йўқотилганда.

9.5. «Буюртмачи» ва «Пудратчи» нинг биргалиқдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, «Буюртмачи» га тўғатилмаган қўрилиш топширилади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

## 10. БОШКА ШАРТЛАР

10.1 Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари, жихозлар, материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати, унинг учинчи шахслар тарафидан кузларган ниятда шикаст етказган холлари бундан истисно қилинади, объектни қабул қилиш тугрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 1 ой давомида белгиланади;

10.2. Агар объектнинг кафолатланган фойдаланиш давомида унинг меъёрида фойдаланишга йул бермайдиган камчиликлари аниқланса, кафолат муддати улар бартараф қилгунга қадар булган вақтгача узайтирилади:

10.3. Камчиликларнинг мавдужлиги ва уларни бартараф қилиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи» нинг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

10.4. Агар «Пудратчи» аниқланган камчиликлар далолатномасида курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг, бунга жихозларни ҳам қушиб, камчиликларни бартараф қилмаса, уларни «Буюртмачи» бошка бошқарувчининг қучи билан харажатларни «Пудратчи» тулаши орқали бартараф қилишга ҳақли;

10.5. «Пубратчи» аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда, Буюртмаси малака экспертизасини тайинлайди экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини, буюртмаси малака экспертизасини тайинлайди экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш буйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафни мазкур масала буйича хужалик судига мурожат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди.

10.6. «Пудратчи» қурилиш объектнинг лойиха хужжатларини ёки унинг ажралмаси қисимларини «Буюртмачи» нинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.7. «Пудратчи» нинг айби билан объектни қуриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи» нинг айби билан булса «Буюртмачи» томонидан товон туланади. «Пудратчи» барча холларда, хатто тегишли харажатларни «Буюртмачи» қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларини қуради.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга булган, икки нусхада тузилган.

10.9. Тарафларнинг хошишлари буйича бошка шартлар. Ушбу шартнома Ғазначилик булинмаси руйхатидан утгандан сунг қонуний қучга эгадир.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Пудратчи»

### «Буюртмачи»

Риштон ТЙФУК  
Манзили: Риштон шаҳри

ШХР: 470010860302247045193118001

ОКОНХ: 42110

ИНН: 200181127

Молия вазирлиги Ягона Ғазна х/в

ИНН 201122919 МФО 00014

Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

х/р 23402000300100001010

Раҳбар:  Ў.Ақбаров

М.У.

Риштон тумани МТБ  
Манзили: Риштон шаҳар  
ШХР: 100022860302247091100251035

ИНН: 305154421


ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Молия вазирлиги Ягона Ғазна х/в

ИНН 201122919 МФО 00014

Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

х/р 23402000300100001010

Раҳбар:  М.Дадажоновна

М.У.



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Риштон туман Мактабгача таълим**

**булими мудири**

**М.Дадажонов**



«28» июль 2022 йил

№ 4 сон

Риштон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 25-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш. Бинони жорий таъмирлаш бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида

Раислик қилувчи: комиссия раиси: М.Дадажонов М.Дадажонов

Қатнашдилар:

1. А.Авдопов А.Авдопов
2. В.Хайдаров В.Хайдаров
3. Б.Каримов Б.Каримов
4. Я.Хайдаров Я.Хайдаров

**Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:**

Риштон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 25-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш. Бинони жорий таъмирлаш бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш бино учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Риштон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 25-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш. Бинони жорий таъмирлаш бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш бино учун ўтказилган электрон эълонга раислик қилувчи М.Дадажонов сўзгачиқиб, ушбу элон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат

харидлари тўғрисидаги Қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор такидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайъати:


#### Қарор қилади:

1. Муҳокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, " **Риштон туман йуллардан фойдаланиш У/К** ни йиғилиш хайъати ғолиб деб эълон қилсин.

2. Ғолиб деб топилган қатнашчи " **Риштон туман йуллардан фойдаланиш У/К** " билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмилаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Комиссия раиси:  М.Дадажоновна

Комиссия азолари:  А.Авдопов

Комиссия азолари:  В. Хайдаров

Комиссия азолари:  Б.Каримов

Комиссия азолари:  Я. Хайдаров

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ YJ3321514134

1. Loyiҳaning turi: PUDRAT ShARTNOMA № 25
2. Loyiҳaning nomi: **binolarni joriy ta'mirlash to'g'risida**

Umumiy summasi 63 123 973 (oltmish uch million bir yuz yigirma uch ming to'qqiz yuz yetmish uch) so'm bo'lgan 25-sonli Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotining binosini joriy ta'mirlash bo'yicha Rishton tuman yo'llardan foydalanish unitary korxonasi rahbari U.Akbarov va Rishton tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi rahbari M.Dadajonovalar o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Rishton tuman yo'llardan foydalanish unitary korxonasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun Rishton tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 27.07.2022 yilda kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

### XULOSA:

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 631-moddasi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



O.Dadaboyev